ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЧКИ ҲУДУДЛАРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН МЕҲНАТ ПОСЁЛКАЛАРИГА «ҚУЛОҚ» ОИЛАЛАРИНИНГ ЖОЙЛАШТИРИЛИШИ

Н.М.Худоёров

Мақолада Ўзбекистоннинг ички ҳудудларида ташкил этилган меҳнат посёлкаларига "қулоқ" оилаларининг кўчириб келтирилиши масалалари бирламчи манбалар ва илмий адабиётлар асосида таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *меҳнат посёлкаси, қулоқ, муштумзўр, кўчкинди, сургун қилинганлар, комендатура, мол-мулк, совет ҳукумати.*

В статье проанализированы вопросы переселения «кулацких» семей в трудовые посёлки, организованные во внутренних регионах Узбекистан, на базе первичных источников и научный литературы.

Ключевые слова: *трудовой поселок, кулак, переселенец, ссыльные, комендатура, имущество, советское правительство.*

On the basis of original sources the article describes the situation in the exiled families called at that time as 'quloq' into special labour plantations in the inner territories of Uzbekistan.

Key words*: labour villages, quloq, movers, commandant's office, wealth, Soviet government.*

Республикадан ташқарига сургун қилиш билан бир қаторда 1931 йил март ойи охирларида Ўзбекистоннинг айрим районларига "қулоқ"ларни ички сургун қилиш бошланди. Ички сургун қилинганларни, асосан, учинчи тоифадаги "қулоқ"лар ташкил этган. Бу хўжаликлар республиканинг чекка районларида махсус ташкил қилинган меҳнат посёлкаларига жойлаштирилди. Бу тадбир ЎзССР Марказий Ижроия Қўмитаси ва Халқ Комиссарлар Советининг 1930 йил 15 мартда ишлаб чиқилган Йўриқномасига асосан амалга оширилди [2.204].

ЎзССР Халқ Комиссарлари Совети ва Марказий Ижроия Комитети 1930 йил 20 июнда қабул қилган «ЎзССРнинг бой ва қулоқ унсурлари учун посёлкалар тўғрисидаги Низом» тегишли жойларга юборилган. Унда қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш натижасида тугатилган бой ва қулоқ хўжаликларини мажбурий йўл билан қўшни районлардан алоҳида ажратилган махсус посёлкаларга 20-25 тадан жойлаштириш кўзда тутилган. Бундай посёлкалар жойини аниқлаш округ ижроия комитетлари ихтиёрига берилган. Бу посёлкаларга ЎзССРнинг бошқа округларидан ҳам бой, қулоқ хўжаликларни жойлаштириш мумкин бўлган. ЎзССР Ер-сув халқ комиссарлигига кўчириб келтирилганларга қишлоқ хўжалиги билан интенсив шуғулланишлари учун маълум нормада ер ажратиб бериш вазифаси юклатилган [3.53].

Ердан фойдаланиш якка ва жамоа тартибида бўлиб, берилган ер участкасига тўла экин экиш ва олинган товар маҳсулотни шартнома асосида давлатга топшириш кўзда тутилган. Бу ишнинг бажарилишини, жумладан, ўзлаштирилган ер ва ҳосил ҳисобини олиб бориш район ер бошқармалари зиммасига юклатилган. Посёлкалардаги аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш матбуот кооперацияси орқали амалга оширилиши, бунинг учун посёлкаларда таъминот магазинларини очиш кўрсатилган. Озиқ-овқат нормасини округ ижрокоми белгилаб берган. Посёлкаларга бевосита раҳбарлик қилиш округ ижроия кўмитаси ва ОГПУ органи билан келишиб тайинланган вакил орқали бажарилган. Бу вакиллар зиммасига посёлкаларда яшаётган ва янги келаётганларнинг ҳисобини олиб бориш, посёлкаларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, юқори органларнинг барча фармойишлари бажарилишига эришиш, бу кўрсатмалар бузилган ҳолда тегишли органларга хабар бериш, жиноятларнинг олдини олиш, аҳолини стихияли фалокатларга қарши кураш олиб боришга жалб этиш, посёлка аҳолисига зарур шаҳодатнома бериш, ҳар қандай аризаларини текшириш, чоралар кўриш, фуқаролик ҳолати ҳақидаги актларни рўйхатга олиш вазифалари юклатилган эди.

Посёлкадаги аҳолининг округдан ташқарига чиқиши қатъиян ман қилинган, фавқулодда ҳолат-

да бунга розилик бериш вакил ихтиёрида бўлган. Посёлка аппарати ва канцелярияси маҳаллий бюджет ҳисобидан таъминлаб турилган. Вакил фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш ва йўналтириб туриш округ ва район ижроия комитети орқали амалга оширилган [3.53-54].

Учала тоифадаги "қулоқ" хўжаликларига тегишли мол-мулк, пул, қимматбаҳо қоғозлар мусодара қилиниб, колхозлар ёки қишлоқ советлари ихтиёрига берилган. Бадарға қилинаётган "қулоқ"лар ихтиёрида сургун жойидаги хўжалик фаолияти учун бир бош иш ҳайвони, энг кам миқдорда иш қуроллари, кундалик уй-рўзғор буюмлари, кийим-кечак ва 500 сўмгача пул қолдирилган, холос.

Мустабид тузум ҳукмрон доиралари "қулоқ" қилиш сиёсатини амалга ошириш орқали фақат социал-сиёсий муаммоларни ечишнигина назарда тутиб қолмай, 30-йилларнинг бошларида ўзлари дуч келган муайян иқтисодий-хўжалик муаммоларини ҳам бартараф этишга интилдилар. Улар ўша пайтларда ташкил қилинган совхозларни арзон ишчи кучи билан таъминлашнинг ўзига хос усулини қўлладилар. Қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш асосида "қулоқ хўжаликларини синф сифатида тугатиш" авж олгач, совхозларни ишчи кучи билан таъминлаш муаммосини "қулоқ" қилинганларни давлат хўжаликларига сургун қилиш ва жойлаштириш йўли билан ҳал қилишга уриндилар. Бу тадбир билан боғлиқ равишда "меҳнат сургунидагилар", "меҳнат кўчкиндилари", "махсус кўчкиндилар" деган номлар жамият ҳаётига кириб келди.

Ўзбекистонда дастлабки қулоқ посёлкалари 1930 йил ўрталарида ташкил қилинган. Бу посёлкалар, асосан, совхозлар шаклида тузилган бўлиб, уларнинг барча ишчиларини сургун қилинган собиқ "қулоқ"лар ташкил қилган.

1931 йил июль ойига қадар сургун қилинган "қулоқ" оилалари масаласи билан ўлка, округ ижроия қўмиталари шуғулланди. 1931 йил 1 июлдаги СССР ХКСнинг "Махсус кўчирилганларни жойлаштириш тўғрисида"ги қарори билан уларни маъмурий жиҳатдан бошқариш ОГПУ органларига топширилди. 1931 йил 16 августдаги махсус қарорга биноан ОГПУ тизимидаги, 1934 йилдан эса НКВД тизимидаги ГУЛАГ назорати остида махсус меҳнат посёлкалари ташкил қилинди [4.343].

1931 йил қулоқ хўжаликлари жойлаштирилган посёлкалар 17 та бўлиб, улардаги меҳнат кўчкиндилари контингенти ҳам доимий равишда ўзгариб турган. Кейинчалик посёлкаларни кенгайтириш ҳисобига меҳнат посёлкалари сони ҳам қисқариб борган.

СССР Халқ Комиссарлари Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг 1930 йил 20 апрелдаги "Меҳнат учун кўчирилганларнинг ҳуқуқий аҳволи тўғрисида"ги қарорига биноан ёппасига коллективлаштириш ҳудудларидан сургун қилинган қулоқлар жойлашган ҳар бир меҳнат посёлкасида комендатуралар ташкил қилинди. 1930-1934 йилларда сургун қилинган "қулоқ"лар расмий равишда "махсус кўчирилганлар ("спецпереселенец"), 1934-1944 йилларда "меҳнат кўчкиндилари" ("трудопереселенец"), 1944-1956 йилларда эса "махсус кўчкиндилар" ("спецпоселенец") атамалари қўлланилган [2.173].

СССР лагерлар бош Бошқармасининг 1931 йил 7 октябрдаги йўриқномасига биноан қулоқ қилинганларнинг меҳнатга яроқли барчаси жисмоний меҳнат билан шуғулланишга мажбур эдилар. Улар давлат ва кооператив хўжаликлари, совхозлар ва низомсиз қишлоқ хўжалик артелларида, ҳунармандчилик артелларида, йўл қурилишида, мелиорация ва ирригация тармоқларида, ўрмон хўжалигидаги ишларда меҳнат қилишга мажбур эдилар. Бундай мажбуриятдан фақат ногиронларгина озод қилинишлари мумкин эди [4.52].

Сургун қилинган "қулоқ"лар ва уларнинг оила аъзолари ўзлари истиқомат қилаётган посёлкадан комендант рухсатисиз чиқиб кетиши ва бирон бир иш билан шуғулланиши қатъиян таъқиқланган.

Йўриқномада шу нарса ҳам кўрсатилган эдики, сургун қилинган "қулоқ"лар белгилаб қўйилган қоида ва мажбуриятларни сидқидилдан бажариб, ўзларини ижобий томондан кўрсатсалар, 5 йил давомида уларнинг барча ҳуқуқлари тикланиши мумкин эди [4.53].

Ўзбекистон ҳудудида ташкил этилган меҳнат посёлкаларининг сони гоҳ кўпайиб, гоҳ қисқариб турган. Шу боис турли адабиётларда улар ҳақида турли маълумотлар қайд этилади. Масалан, Р.Шамсутдинов ўз монографиясида бу ҳақда шундай маълумотни келтиради: "Шундай посёлкалар Ўзбекистонда 20 га яқин эди. Улар Тошкент, Бухоро, Сурхондарё, Фарғона, Самарқанд округларида 30-50-йилларда фаолиятда бўлган. Масалан, 1941 йил биринчи кварталида Ўзбекистонда 12 та меҳнат посёлкаси бўлиб (Хазарбоғ, Боёвут-1, Боёвут-2, Сталин номли 16, Сталин номли 17, Ўзбекистон беш йиллиги, Далварзин-1, Далварзин-2, Далварзин-3, Савай, Норин, Куйбишев номли 8-сон), уларда 3412 оила, 14150 та меҳнат кўчкиндиси истиқомат қилганлар" [5.349-350].

“Ўзбекистоннинг янги тарихи”да коллективлаштириш йилларида Ўзбекистон ҳудудида 17 та меҳнат посёлкалари ташкил этилган [5.353] деб кўрсатилган.

1934 йил март ойидаги ҳолат бўйича Ўзбекистондаги мавжуд 15 та меҳнат посёлкалари комендатураларининг тартиб рақамлари ва номланиши қуйидагича бўлган:

1-сон Хазарбоғ (Денов туманида), 2-сон Боёвут (Ховос туманида), 3-сон Стрелково номли (Янгийўл туманида), 4-сон Болтабоев номли (Оққўрғон туманида, кейинчалик Сталин номи билан юритилган), 5-сон Ўзбекистон 5 йиллиги (Янгийўл туманида), 6-сон Далварзин (Бекобод туманида), 7-сон Савай (Жалалқудуқ туманида), 8-сон Норин (Учқўрғон туманида), 9-сон Куйбишев номли (Избоскан туманида), 10-сон Биринчи боғдорчилик хўжалиги (Янгийўл туманида), 11-сон Иккинчи боғдорчилик хўжалиги (Янгийўл туманида), 12-сон Булунғур (Самарқанд округи Булунғур туманида), 13-сон ЦОС НИХИ (Янгийўл туманида), 14-сон сабзавотчилик хўжалиги (Янгийўлда), 15-сон Дзержинский номли қишлоқ хўжалик артели (Бекобод туманида) [6,7]. Маълум йилларда меҳнат посёлкаларининг сони, номи ва рақами ўзгариб турган. Самарқанд округидаги Булунғур меҳнат посёлкаси 1932 йилда 9-сон Ўзбекселпром совхози базасида ташкил қилинган бўлиб, у 5-сон Булунғур меҳнат посёлкаси деб номланган. Мазкур меҳнат посёлкасига сургун қилинганларнинг аксариятини Фарғона, Тошкент, Бухоро округларидан келган “қулоқ”лар ташкил этган. Улар, асосан, узумчилик билан шуғулланганлар. Бошқа меҳнат посёлкаларидан фарқли ўлароқ, бу меҳнат посёлкасида ишчилар ойлик маошининг 25 фоизи давлат фойдасига ушлаб қолинган [6.265].

1937 йил январидаги ҳолат бўйича Ўзбекистондаги мавжуд меҳнат посёлкалари қуйидаги хўжалик ташкилотлари тасарруфидаги ҳудудларда жойлашган ва улар ихтиёрида меҳнат қилганлар:

Ўзбекистон ССР Ер ишлари халқ комиссарлиги “Ўзсовхозхлопок” трести ихтиёридаги совхозлар ҳудудларида 9 та меҳнат посёлкаси бўлиб, улар, асосан, пахтачилик билан машғул бўлган. Мазкур меҳнат посёлкаларида 2987 оила ёки 12 248 киши бўлган.

ЎзССР боғдорчилик узумчилик трести ихтиёрида 3 та меҳнат посёлкаси бўлган ва уларда 294 оила ёки 971 киши бўлган. Улар боғдорчилик, узумчилик билан шуғулланганлар.

ЎзССР Ер ишлари халқ комиссарлигининг пахтачилик илмий тадқиқот институти (ЦОС НИХИ) ихтиёрида 1 та меҳнат посёлкаси бўлган. Унда 57 оила ёки 187 киши бўлган. Сабзавотчилик совхозида 1 та меҳнат посёлкаси бўлиб, унда 69 оила ёки 218 киши яшаган ва меҳнат қилган.

Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг 15-сон меҳнат посёлкасида Дзержинский номли низомсиз қишлоқ хўжалик артели ташкил қилинган бўлиб, бу артель хўжалигида 249 оила ёки 566 киши меҳнат қилган. Улар турли қишлоқ хўжалик юмушлари билан машғул бўлганлар [4.59].

Меҳнат посёлкаларининг темир йўлдан 5 км дан зиёдроқ масофада жойлашган бўлиши ҳисобга олинган. Шу шартга биноан НКВДнинг 1940 йил 2 августдаги 001519-сонли буйруғига мувофиқ Ўзбекистон ССР бўйича 278 оила (993 киши) дан иборат кўчкиндилари бўлган 4та меҳнат посёлкаси темир йўлдан узоқ масофага кўчирилган. Масалан, “Хазарбоғ” пахта совхозидаги меҳнат посёлкаси темир йўлдан 7-8 км наридаги 1- ва 2-сонли бўлимларга кўчирилган. Кауфман темир йўл станциясида жойлашган Илмий-тадқиқот институти қошидаги 10-сон боғдорчилик совхозидаги меҳнат посёлкаси илгариги ўрнидан 20 километр нарига кўчирилган. Красногвардейск темир йўл бекатида жойлашган “Булунғур” совхозидаги посёлка “Боёвут” совхозига кўчирилган. Мазкур кўчиришлар ГУЛАГ ОТПнинг таклифи билан хўжалик органларининг ўзаро келишуви асосида амалга оширилган [5.14].

1940 йилларда ҳам республикадаги “қулоқлар сургуни”да аввалгидек миқдор жиҳатдан ўзбеклар биринчи ўринда турган. 1941 йил 1 октябрдаги ҳолатга кўра Ўзбекистон ССРдаги меҳнат посёлкаларида 11734 меҳнат кўчкиндиси бўлиб, ундан 3840 нафари эркаклар, 3086 нафари аёллар, 14 ёшдан – 16 ёшгача бўлганлар 521 та, 14 ёшгача бўлганлар 4287 кишидан иборат бўлган. 1943 йилда республикадаги меҳнат кўчкиндилари миқдори: 1 январда – 8921, 1 апрелда – 8845, 1 июлда – 8703, 1 октябрда – 8559, 31 декабрда 8534 киши бўлган [7.98-99].

“Собиқ қулоқлар”дан иборат махсус кўчирилганлар сони 1947 йил 1 апрелида 7392, 1 июлида 7381, 1947 йил 1 октябрида 7357, 1948 йил 1 январида 7304 кишидан иборат эди [8.106].

1949 йил мартидаги ҳолатга кўра, Ўзбекистон ССРдаги махсус кўчкиндиларнинг катта ёшлиларидан 3913 кишининг миллий таркибида 2021 ўзбек, 513 туркман, 228 рус, 212 қорачой, 150 кабардин, 135 балқар, 135 қирғиз, 111 украин, 91

қозоқ, 65 тожик, 57 черкас, 52 осетин, 40 абазин, 29 ингуш, 28 чечен, 22 румин, 10 уйғур, 5 озарбайжон, 5 татар (улардан учтаси қрим татарлари), 3 армани, 1 фин бор эди [9.323].

Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлиги қарамоғидаги меҳнат манзилгоҳлари бўлимининг штати ва ҳаражатлари 1937 йилда қуйидагича бўлган: 39 штат бирлиги, шундан милицияда 8 киши, ҳаражатлар эса 370,5 минг сўмни ташкил қилган. 1938 йил учун 29 штат бирлиги, шу жумладан милиционерлар 13 киши бўлган [9.333].

Коллективлаштириш асосидаги қулоқларни синф сифатида тугатиш амалиёти совет ҳукумати томонидан аниқ ишлаб чиқилган режа асосида олиб борилди. Қулоқларни тугатиш, уларни "қайта тарбиялаш"га қаратилган мудҳиш жараён ўз вақтида турли қарор ва кўрсатмалар билан қонунлаштириб қўйилар эди. Сургун қилинган хўжаликлар жойлаштириладиган чекка минтақалар, керакли миқдордаги махсус посёлкалар, уларга қанча миқдордаги оилани жойлаштириш каби жиҳатлар ҳам аввалдан режалаштирилган эди.

Ўзбекистондаги меҳнат посёлкалари ҳам, асосан, чекка, ўзлаштирилмаган районларда ташкил этилган бўлиб, уларнинг маъмурий бошқаруви ОГПУ органлари тасарруфига киритилган эди. Бу меҳнат посёлкалари коллективлаштириш авж олган сари кўпайиб борди. Уларга, асосан, республиканинг турли районларидан сургун қилинган ўзбек деҳқонлари, шунингдек, Иттифоқнинг бошқа республикаларидан сургун қилиб келтирилган қулоқ оилалари жойлаштирилди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда ташкил қилинган меҳнат қишлоқларини кўчириб келтирилган кўчкиндилар аҳволи иттифоқдаги меҳнат лагерларидан фарқ қилган эмас. Меҳнат қишлоқларида истиқомат қилган кўчкиндилар ҳақ-ҳуқуқлари маъмурий идоралар томонидан камситиб келинган.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни милат қилишга хизмат этсин. –Т.: Ўзбекистон, 1998.

2. Трагедия среднеазиатского кишлака. Т 2.– Т.: Шарқ, 2006

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони архиви, 58-фонд, 7-рўйхат, 245-иш.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги архиви (ЎзР ИИВА), 32-фонд,1-рўйхат, 37-иш.

5. Шамсутдинов Р., Расулов Б. Трагедия среднеазиатского кишлака-. Т.: Шарқ, 2006

6. Шамсутдинов Р.Т. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари. –Т.: Шарқ, 2001.

7. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида.-Т.: Шарқ, 2000.

8. Земсков В.Н. Спецпоселенцы в СССР. 1930-1960.- М.: Наука, 2003.

9. "Мерос" халқаро илмий-амалий экспедиция хайрия жамғармаси материалларидан: РФДА, 9479-фонд, 1-рўйхат, 363-иш.

Андижон давлат университети,
2014 йил 20 майда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. И.Алимов)